



# O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIIY GAZETA

№ 23 (4578) // 2020-yil 3-iyul

Адиблар хибони — маърифат бўstonи



## МУАЗЗАМ ИЖОДИЁТ ТИМСОЛИ

Қайта таъмирланган "Адиблар хибони" ни ўйчан ҳайрат билан кезар ва ялти манзарани кўзатар эканман, аввал шимол томонга қараган ҳазрат Навоий жанубга, қиблага юз бурганини кўрдим. Мен ойнаи жаҳонда Ҳазратнинг янги ракурсдаги ҳайкалини бир неча бор кўрган эсам-да, телетасвирдан муаззам ҳайкалнинг бурчиланиши илғаш қийин эди. Аввал у нега шимолга қарагани тасодифми, қонуниятми билмадим, лекин ҳозирги ҳолат, яъни қиблага юз бурган ҳазрат Навоий менга улкан ва маънодор рамзи англатадигандек туюлади. Эътиқод, дин халқни, миллатни бирлаштирувчи, қалбига икки дунё лаззати ва саодатини баҳи этувчи куч экани шубҳасиз ҳақиқат. Худотер совет замони, айниқса, Сталин даврида тарбия топган айримлар ҳали ҳам муқаддас динимизга шубҳа ва ҳадик билан қарайдилар. Ваҳоланки, ислом дини жаҳоний, яъни катта ва ялти нуфузга эга дин бўлиб, у моҳиятан маърифат ва маънавиятга хизмат қилади. БМТ Ассамблеясининг 71-сессиясида Президентимиз Ш.Мирзиёев муқаддас динимизни ҳар хил бўҳтонлардан жаҳон жамоатчилиги олдига қатъий ҳимоя қилгани ҳамон ёдимизда.

Бу гаплардан мурод даҳо шоиримиз ижодини ислом дини ва Куръони каримсиз ўрганиш мумкин эмаслиги, ўрганилган тақдирда бу чала ва но-мукамал тадқиқ бўлишини қатъий таъкидлашдир. Совет давридаги кўп-лаб илмий иш ва изоҳларда ёзилганидек, бу буюк шоир ижодининг камчилиги (шундай дейилса, мустабид мафкура тазйикдан қутиларди гўё) эмас, айнан унинг КУЧ-ҚУДРАТИ МАНБАИДИР. Исломиё-қуръоний бадний тафаккур буюк шоир ижодига илохий ва глобал миқёс бахш этади.

вокеликка коинот, фалак нуктаи назаридан боқишга имкон яратади.

Лекин ҳар ишда метёр зарур. Бу олтин қонун. Навоий ижодининг қуръоний моҳиятини қайд этар эканмиз, уни ислом арқонлари билан чирмаб ташлаш, исломий ақоидлар учун шунчаки мисол тариқасида талқин қилмаслигимиз керак. Улуғ шоир ўз мустақил бадний-фалсафий оламни яратган эгидир. Шуниси билан ул зот Навоий — инсоният шоиридир.

Нима бўлганда ҳам ислом биринчи навбатда буюк эътиқод. Зотан,

фақат буюк эътиқод, буюк иймон буюк адабиётни яратади. Буюк адабиёт эса халқни, бани одамни буюк эътиқод, буюк имон руҳида тарбиялайди.

Ҳар қандай буюк ижод пайдо бўлиши биланок ўз баҳо ва талқинини олади. Илк навоийшунослар шубҳасиз замона султони Хусайн Бойқаро (унинг "Рисола" асарини эсланг) ва пири мурид Абдурахмон Жомийлардир. Улар Навоий ижодига тўғри ва ҳаққоний баҳо беришган. Биргина Хусайн Бойқаронинг "У (яъни

Навоий — С.М.) туркий тилининг ўлик жасадига Масих нафаси билан жон киргизди" деган гапи қанчалик ҳақиқат. Абдурахмон Жомий ўзининг "Хирадномаи Искандар" достони хотимасида "Агар у ҳам асарларини форсий тилда ёзганда эди, форсгўйларда ижод учун мажол қолмасди" деганида қанчалик фахр бор. Лекин кейинги давр навоийшунослиги Ғарб, рус ва совет мафкура-си доирасида кечди. Ва улар деярли бир овоздан буюк шоирнинг дунёкараши пантеизмдир деган тўхтамаг келишди. Агар дунёкараш вокеликка нисбатан илмий, мафкуравий, маънавий ва илохий қарашлар тизими ҳамда пантеизм "Худо табиат билан бир нарса, улар бир бутунни ташкил қилади, деб қарайдиган диний-фалсафий таълимот" (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд, 215-бет) бўлар экан — нахотки Навоий пантеист бўлса? Нахотки буюк шоиримиз Яратган билан яратилган нарсани бир деб ҳисобласа?!



Салим Ашур

## ЗАРҲАЛ ДАЛАЛАР

Бу зарҳал далалар қуёшни эмган, Осмонга уфқ берган гавҳар далалар. Бошқоқлар селида ҳаётга чўмган Янги тарих билан кўхна калъалар.

Ҳар олтин бошқоқ — бу офтоб зарраси, Тилла дон, сен тилла хирмонга ёрсан. Юртим, сен тоғларни туртиб қирраси, Саратон рангига қирган диёрсан.

Меҳнат ҳарорати қирқдан ҳам ошар, Умрининг зийнати — пешона тери. Жонбахш қучоғингда бир Ватан яшар, Миллатни боққансан, ўзбекининг ери!

Бир ҳовуч хирмонда элу юртдан то Қушлар, чумолилар ризкигача бор. Иссиқ бугдой нонни ушатган дунё, Ҳар бир аёлинига бош эгар тақрор!

Ажинлар, ажинлар... дондек ситилди, Манглайдан сув ичган олов тафтларда. Ғаллазор бир қозон ошдек етилди, Қуёшдан кўр олган қадок қафтларда.

Мулқингда мавжланар тилла бир денгиз, Эй қуёш, фалакда голибона балқ! Ҳалол дастурхонда барақа тенгсиз, Ҳалол меҳнат қилар шу Ватан, шу халқ.

Ғаллазорда зарҳал шамол шовуллар, Дондек пишиқ сўздан олтин дoston бу. Уфқларга қадар бошқоқ ловуллар, Буюк олтин хирмон — Ўзбекистон бу! Ўзбекистон бу!..

## БАРАКА ДАРВОЗАСИ

Фаргона водийсининг дарвозаси ҳисобланган Поп тумани ҳудуди жиҳатидан Наманган вилоятида энг катта майдонни эгаллайди. Бу қутлуғ зўша азалдан барақа дарвозаси бўлиб келган. Муҳтарам Президентимизнинг шу йилнинг 26-27 июнь кунлари вилоятга ташир-фи Поп туманидан бошланишида ҳам чуқур рамзий маъно бор. Кенг қамровли ислохотларнинг илк мевалари айнан Поп туманида буй кўрсатаётир. Масалан, "Нуран из" маъсуляти чекланган жамият томонидан адириклардан иборат 1 минг 885 гектар янги ўзлаштирилган ерда мева-сабзавотчилик кластери ташкил этилди.

Қирк йиллар мобайнида самарасиз ётган ерларда интенсив боғ яратишга инновацион асосда ёндашилган, сувни тежайдиган томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган. Бунинг учун 180 метр чуқурликдан сув чиқариладиган 4 та қудуқ қазилган, чиқариб олинган сув шу ердаги ҳовузга тўпланди. Ушбу механизм 50 фоиз маблағни тежаш имконини беради. Тўлиқ компьютерлаштирилган тизим чанқаган ерларга автоматик тарзда сувни юборади. Яъни, ҳамма иш компьютер орқали бошқарилади.



Бу — икки босқичли лойиҳанинг дастлабкиси бўлиб, 2021 — 2022 йилларга мўлжалланган кейинги босқичда яна 1 минг 455 гектар ер ўзлаштирилади. Лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, 350 та иш ўрни яратилади, йилга 10 миллион долларлик мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинади.

Давлатимиз раҳбари боғни кўздан кечирди, шу ерда нурунийлар, кишлоқ хўжалик ходимлари билан суҳбатлашди. Наманган вилоятида туманларни муайян кишлоқ хўжалик экинларига ихтисослаштириш, жулмадан, Косонсой, Чортоқ, Янгиқўрғон туманларини боғдорчиликка йўналтириш лозимлиги қайд этилди.

Юртбошимиз ўтган йили Наманган вилоятига таширфи чоғида ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз, кам

таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш орқали уларнинг доимий даромад манбаларига эга бўлишларига қўмақлашш юзасидан топириқлар берган эди. Ушбу вазибалар ижроси доирасида вилоят ҳокимлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири хамкорлигида адир даштликларда узок йиллар давомнда фойдаланилмаган 36 гектар майдонда иссиқхона лойиҳаси "Голден Натс Наманган" агро томорка хизмати маъсуляти чекланган жамият билан биргаликда амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳага асосан "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида экспортбоп сифатли маҳсулот етиштирилади, камбағал оилалар доимий даромад манбаларига эга бўлади ва уларнинг бандлиги таъминланади. Яна бир қулайлиги — маҳсулотни етиштиришда қўчат, сув, минерал ўғит ҳамда бозор таъминоти етакчи тадбиркор томонидан кафолатланади.

Бугунги кунда Чортоқ туманида 200 мингга яқин аҳоли истикомат қилади. Ишсизлар сонини 7 мингдан зиёд. Юртбошимиз аҳоли бандлигини таъминлашда тизимли ишларни давом эттириш зарурлигини таъкидлади. Камда ўн мингта иш ўрни яратиш лозимлиги қайд этилди.



Маъмурхўжа БҲХБҲДУИЯ таваллудинини 145 йиллигига

## МАЪРИФАТ ОЗОДЛИКДИР

Маъмурхўжа Бехбудий Туркистон ўлкасидаги ҳаётнинг реал картинаси сифатида "Падарқуш" драмасини халқона анъаналар асосида яратди. Драмада муаллиф илмсизлик, жаҳолат, ахлоқсизлик каби иллатларни саҳна орқали кўрсатиб, халқни маънавий инқироздан қутқариш керак, деган гоъни бош масала қилиб қўяди.

Драмада маърифатга рағбат қилмаган Туркистон бойларининг умумлашма образи яратилган. Бой образининг асосий қаҳрамон қилиб олинган бежиз эмас. Бойлар ўша пайтнинг кўзга кўринган, миллат тақдирини халқ қилган кучи эдилар. Драмада бир бой оиласидаги аҳвол баъни кўрсатилади. Тошмурод шу оиланинг, яъни бойнинг яққаю ягона фарзанди. Бой ундан ҳеч нарсани аямайди. Оқибатда Тошмурод воёга етган бўлса ҳам, оиланинг эркатойи. Бунда оила бошлигининг "ҳисса"си жуда катта. Чунки бойнинг "...дунёнинг сабаби, иззати — бойлик. Охиратга бўлса, худонинг қилган тақдир бўлур. Чунончи, биз кўрамизки, одамлар бойни муллодан зиёда иззат қиладилар", дейиши унинг ҳамма нарсани бойлик билан ўлчашини кўрсатади. Ўғлини ўқитиш ёки ўқитмаслик борасидаги сўзлари унинг маънавий кифасидан далолатдир. "Мен ўғлимни ўқитмоқга ўйлаганим йўқ". Зеро, унинг мақсади шундай: "...ўқимокни



лозимми, билмайман, чунки ани муфти ё нмом ва муаззин қилмоқчи эмасман, азбаски давлатим анга етар".











Бобур ЭЛИМУРОД



Уша кун

Нимадир индамай кетди уша кун,
Хеч кимни безовта қилмади атай.

Шундан бери беғам отаверар тонг,
Жонсиз оқаверар сувлар ўзанга.

Нимадир индамай кетди уша кун,
Ичимда нимадир кетиб қолди дарз.

Хафсала қолмади қушнинг кўзича,
Балиқнинг думича тебранмас бу жон.

Қўлга ҳам иллар хатто балиқлар,
Гаҳ десанг елканга қўнади Хумо.

Бир куни у қайтар, юрагим, ишон,
Ҳамма ўзлигига қайтар бирма-бир.

Бундай жазавода эсмасди шамол,
Титрамасди бундай дарахт ҳам илло.

Бола хўнграб йиғлар, у хали гўдак,
Бундай манзарага кўзи тушмаган.

Муш

Хаёлан бораман – бир ёруғ макон,
Кўринмас заминнинг ою қуёши.

Мана, бир бош ёнар қаршимда лов-лов,
Ёришиб кетади атроф мунаввар.

Аланга ўчар чоғ бир мағрур инсон,
Тутади сўнажак дўстига бошин.

Бу юрда нур сочиб ўлади хар жон,
Бу юрда улугдир инсонлар ёши.

Ўзимга келаман, у юртдан чиқиб,
Тепамда чараклаб туради қуёш.

Бошқа у тушларни кўрмайман – қасам,
Юракда бир оғриқ ўртанар лов-лов.

Тарози

Бир заминда туғилдик омон,
Бирга ўтди эрта-кечимиз.

Бир товоқдан ошар эдик ош,
Чинимиз бир, хазлимиз бир.

Аммо мени қийнайди бир ҳис,
Бирга ёнам бағирлар нечун?

Қай тарафга юзимни бурмай,
Қиблагҳдек азиз тўрт томон.

Жон ҳам битта кўчанчи,
Қоломас экан танда.

Шундай леги хаста чол,
Кўрдим: соқоли қордай.

Алҳужар оловчи

Менинг битта рост тарозим бор,
Варақлайман олиб тахмондан.

Одамларга боқаман – гўё
Кўнгли тоза, ўғрилиги йўқ.

Нахот, шундай шоирнинг сўзи,
Жўмардлиги дилга юкмаса.

Ёлғонмас – чин юртида
Бир йигит бормиш софдил.

Аждар тутмоқ сирларин
Ўрганибли ўттиз йил.

Учраб қолса гар махлук,
Кўрсатиб бор-йўқ кучин.

Хикоя шу: йигитча
Дунё кезмиш дарбадар.

Тарози

Ха, мўъжиза эди ўша чоғ,
Сўзлаб бермоқ нақадар қийин.

Бир томчини кўрдим – мўъжиза!
Гулдан гулга ўтар эди соф.

Қандай гўзал ер, осмон – ҳаво,
Қара, шафақ қандай қизарган?

Шундай боғда нахотки улар –
Ўзоқлардан келиб тоғ оша.

Қабристонда юрган бу одам,
Қачонлардир ўлган, эҳтимол.

Қолиб кетган фақат танаси,
Кекса дарахт тўнкаси мисол.

Кузатганман уни қўп бора,
Термулганман пана-панадан.

Балки рухлар унинг жисмига
Қириб турар навбатма-навбат.

Боролмадим унинг ёнига,
Сўролмадим ундан ҳол-аҳвол.

Қўп нарсани кўрмадик, дўстим,
Қўп нарса бор хали кўргулик.

Кезаман – хар лаҳза йўллар очилур,
Ўзаман – хар лаҳза гуллар очилур.

Чикмай туриб бирор мансабга,
Тушмай туриб бирор амалдан.

Алишер хонасига кириб қозон туйунги
Очиб қўйди. Туни билан димиккан хонага

Бир соатлардан сўнг йўлакда ҳамкасбларининг
Қадам товушлари эшитилиб, ходимлар ишга

– Ассалому алайкум, Алишер ака! – Гўшакдан

– Ким, қаердан, қандай масалада экан? – энсаси

– Ота-бола. Ер масаласида. Олдингизга

Сал ўтмай қабулхонада ёши саксонларни

– Хўш, қизмат, отахон? Қаерлардан сўраймиз?

– Биз Каттадоғдан. Ҳақиқат излаб келдик...

– Бир йўла пойтахтни томоша қилдирай, дебсиз-да,

– Ҳа энди, бу гапингизда ҳам жон бор. – Гап тагидаги

– Тошкентда бир кизим, бир ўғлим ашайди. Шуларни

– Каттадоғ дегани кенг жой, ер мўл бўлса,

– Тўғри айтасиз, ўғлим. Бизнинг еримиз кўп.

– Бир йўла пойтахтни томоша қилдирай, дебсиз-да,

“Мехмон”ларни яхши гаплар билан бир амаллаб

... ўтган шанбада қишлоққа кексайиб қолган

– Фельям ёмон, ўғлим, уч кундан зиёд

– Пенсияларингиз етиб турибдими? – яна ўсмоқчилади

– Энанг икковимиз бир ярим миллион оламиз.

– Отасининг гапи тугамайди.

– Мана, ён қўшнимиз Хосият момони олайлик.

Абдуҷалол ТАЙПАТОВ



Бир этак бола билан қолувди, бечора. Шуларнинг

– Сиздай бўлолмадик, ота! Ҳамиша кўнглингиз

– Бировни алдаммадим. Ҳеч кимдан қарз эмасман.

Алишер кўк чойдан босиб-босиб хўпларкан,

АДАБИЁТ НАДИР?..

Поэзияни ёқтирмайдиганлар ожиз одамлар, Тангри

СИНЕСИЙ

Менинг ишим ёзиш, танқидчиларнинг вазифаси эса

Пауло КОЭЛО

Адабиётшунослиқнинг вазифаси бадий асардан айнан

Ролан БАРТ

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali” бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:
I. 2020 йил 4 август кунини соат 11:00 дан бошлаб ўтказиладиган

ли 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 /663 LBA бўлган автотранспорт. Бошланғич баҳоси – 8 610 000 сўм.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI logo and contact information

Muassis: O'ZBEKISTON E'ZUVCHILAR UYUSHMASI logo

Bosh muharrir: Salim Ashurov contact information

Journal subscription and contact information